


ҚИШЛОҚ, ЎРМОН ВА БАЛИҚ ХЎЖАЛИГИ

2017 йилнинг январь-сентябрида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот(хизматлар)ларининг умумий ҳажми 46 194,3 млрд. сўмни ёки 2016 йилнинг шу даврига нисбатан 103,5 фоизни, шу жумладан деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик ва ушбу соҳаларда кўрсатилган хизматлар – 45 982,3 млрд. сўмни (103,5 фоиз), ўрмон хўжалигида – 63,4 млрд. сўмни (101,4 фоиз), балиқчилик хўжалигида – 148,6 млрд. сўмни (111,9 фоиз) ташкил қилди. Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот(хизматлар)лари ҳажмининг ўсиши асосан деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик ва ушбу соҳада кўрсатилган хизматлар ҳажмининг сезиларли даражада ортиши билан боғлиқдир.


Хусусан юқори ўсиш суръатлари Самарқанд (106,1 фоиз), Сурхондарё (106,0 фоиз), Бухоро (105,8 фоиз), Навоий (105,6 фоиз) вилоятларида кузатилди. Бунга қарама-қарши равишда Андижон (100,8 фоиз) ва Фарғона (101,5 фоиз) вилоятларида паст ўсиш суръатлари кузатилди.

2017 йилнинг январь-сентябрида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлари (хизматлар)нинг ҳажми




Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг таркибий тузилишида энг юқори улуш деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига тўғри келади (умумий ҳажмга нисбатан 69,2 фоиз).

2017 йилнинг январь сентябрида ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши



2017 йилнинг январь-сентябрида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг хўжалик тоифалари бўйича ҳудудлар кесимида тақсимланиши



Деҳқончилик. 2017 йилнинг январь-сентябрида ишлаб чиқарилган деҳқончилик маҳсулотларининг ҳажми 27 869,7 млрд. сўмни ёки 2016 йилнинг шу даврига нисбатан 102,0 фоизни ташкил қилди. Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида деҳқончилик маҳсулотларининг улуши 61,5 фозни ташкил қилди.


Ҳосилни йиғиб олиш. Ҳисобот даврида барча тоифадаги хўжаликларда 7 380,5 минг тонна (2016 йилнинг январь-сентябрига нисбатан 99,6 фоиз) дон экинлари

ишлаб чиқарилди, 2 357,4 минг тонна (103,9 фоиз) картошка ковлаб олинди, 8 695,2 минг тонна (105,8 фоиз) сабзавотлар, 1 569,9 минг тонна (106,9 фоиз) озикбоп полиз экинлари, 2 146,0 минг тонна (105,3 фоиз) мевалар ва резаворлар, 1 270,7 минг тонна (104,5 фоиз) узум йиғиб олинди.

2017 йилнинг январь-сентябрида хўжалик тифалари бўйича асосий турдаги деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш


	Фермер хўжаликлари		Деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари		Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	
	минг тонна	ўсиш суръати, фоизда	минг тонна	ўсиш суръати, фоизда	минг тонна	ўсиш суръати, фоизда
Дон	6 030,3	100,5	1 259,5	95,7	90,7	101,3
Картошка	445,0	101,6	1 897,7	104,4	14,7	102,7
Сабзавотлар	2 425,8	105,7	6 206,2	105,8	63,2	110,2
Полиз	702,1	108,2	848,0	105,8	19,8	103,7
Мевалар ва резаворлар	882,6	104,8	1 232,7	105,6	30,7	107,3
Узум	586,0	103,2	670,3	105,6	14,4	104,2

2017 йилнинг январь-сентябрида ҳудудлар кесимида асосий турдаги деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш






Мевалар ва резаворлар (минг тонна)



Узум (минг тонна)



Чорвачилик. Келгусида чорвачилик соҳасининг имкониятларини оширишга қаратилган чора-тадбирларнинг изчиллик билан амалга оширилиши ҳамда давлат томонидан кўрсатилаётган тизимли қўллаб-қувватлашлар натижасида қорамоллар бош сонининг ўсишига, ички истеъмол бозорларининг чорвачилик маҳсулотлари билан тўйинишига имкон яратди. 2017 йилнинг январь-сентябрида чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 17 452,4 млрд. сўмни ёки 2016 йилнинг шу даврига нисбатан 105,6 фоизни (2016 йилнинг январь-сентябрида 106,8 фоизни) ташкил қилди. Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида чорвачилик маҳсулотларининг улуши 38,5 фозни ташкил этди.

2017 йилнинг 1 октябрь ҳолатига йирик шохли қорамоллар бош сони 536,8 минг бошга (4,6 фоизга), шу жумладан сигирлар 95,8 минг бошга (2,2 фоизга), қўй ва эчкилар 363,0 минг бошга (1,8 фоизга), паррандалар 5 575,9 минг бошга (8,8 фоизга) кўпайди.

2017 йил 1 октябрь ҳолатига хўжалик тоифалари бўйича чорва моллари ва паррандалар бош сони

	Фермер хўжаликлари		Деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари		Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	
	минг бош	ўсиш суръати, фоизда	минг бош	ўсиш суръати, фоизда	минг бош	ўсиш суръати, фоизда
Йирик шохли қорамоллар	584,3	105,0	11 390,2	104,6	137,0	106,7
<i>шу жумладан</i> сигирлар	199,5	104,3	4 132,4	102,1	38,9	102,9
Кўйлар ва эчкилар	1 696,2	116,1	17 279,0	103,9	1355,7	72,4
Паррандалар	7 985,3	108,5	44 740,5	109,0	16 283,0	108,4


Умумий бош сонга нисбатан деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларида йирик шохли қорамолларнинг улуши 94,1 фоизни, фермер хўжаликларида – 4,8 фоизни ташкил этди, сигирлар мос равишда – 94,5 ва 4,6 фоизни, кўйлар ва эчкилар – 85,0 ва 8,3 фоизни, паррандалар – 64,8 ва 11,6 фоизни ташкил қилди.

2017 йил 1 октябрь ҳолатига ҳудудлар кесимида чорва моллари ва паррандалар бош сони

Йирик шохли қорамоллар (минг бош)



шу жумладан сигирлар (минг бош)



Кўйлар ва эчкилар (минг бош)

Паррандалар (минг бош)



2017 йилнинг январь-сентябрида барча тоифадаги хўжаликларда тирик вазнда 1 674,2 минг тонна гўшт (2016 йилнинг январь-сентябрига нисбатан 6,2 фоизга кўп), 7 327,9 минг тонна сут (6,2 фоиз), 4 917,8 млн. дона тухум (8,5 фоиз), 30,1 минг тонна жун (1,3 фоиз), 1 000,7 минг дона қоракўл тери (2,4 фоиз) ишлаб чиқарилди.


2017 йилнинг январь-сентябрида хўжалик тоифалари бўйича асосий турдаги чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш

	Фермер хўжаликлари		Дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари		Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	
	Миқдори	ўсиш суръати, фоизда	Миқдори	ўсиш суръати, фоизда	Миқдори	ўсиш суръати, фоизда
Гўшт, тирик вазнда, минг тонна	41,3	106,8	1 590,2	106,3	42,7	102,9
Сут, минг тонна	242,9	107,1	7 030,1	106,2	54,9	110,8
Тухум, млн. дона	472,9	109,5	3 002,3	109,9	1 442,6	105,4
Жун, минг тонна	2,2	104,9	26,1	102,4	1,8	84,9
Қоракўл, минг дона	57,2	105,6	821,9	101,7	121,6	105,4

2017 йилнинг январь-сентябрида ҳудудлар кесимида асосий турдаги чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш

Гўшт (минг тонна)

Сут (минг тонна)



Тухум (млн. тона)



Жун (тонна)

